

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ ВА УНИНГ ТАРКИБИ

Абжалилов Э.Н.

БФА тингловчиси

Аннотация. *Мазкур татқиқотда тижорат банкларида хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботнинг аҳамияти ва унинг таркибий таҳлили кенг ёритилган. Хусусий капитал банк молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминловчи асосий ресурс сифатида баҳоланган. Мақолада миллий қонунчилик, МҲХС талаблари ва Basel III халқаро меъёрлари асосида капитал ҳисоботини шакллантириш ва таҳлил қилиш масалалари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этилган. Эмпирик таҳлил натижаларига кўра, 2018–2024 йиллар мобайнида Ўзбекистон банклари капитали ҳажми ортиб, ЯИМдаги улуши кўпайган ҳамда капитал етарлилиги коэффициентлари норматив талаблардан юқори даражада таъминланган.*

Калит сўзлар. *Тижорат банклари, хусусий капитал, устав капитали, капитал етарлилиги, молиявий барқарорлик, МҲХС, Basel III, регулятив капитал, корпоратив бошқарув, риск-менежмент.*

КИРИШ

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида банк тизимини модернизация қилиш ва халқаро стандартларга уйғунлаштириш долзарб масалага айланган. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “банк тизимида барқарорлик ва шаффофлик таъминланмасдан туриб, иқтисодиётда самарали ислохотларни амалга ошириб бўлмайди”. Шу боис банк капитали, айниқса хусусий капитал ҳисоботини такомиллаштириш иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Тижорат банклари капитали — бу устав капитали, захиралар, тақсимланмаган фойда ва қайта баҳолаш захираларидан иборат бўлиб, унинг етарли даражада шаклланиши молиявий барқарорлик, ликвидлик ва инвестициявий жозибдорликни таъминлайди.

Адабиётлар шарҳи. Мавзу юзасидан маҳаллий ва хорижий олимлар қатор назарий хулосалар билдирган. Масалан, О.И. Лаврушин хусусий капитални банкнинг молиявий мустақиллигини таъминловчи асосий омил сифатида кўради. Г.Г. Коробова капитал таркиби ва пасивларнинг тизимли таҳлили банк ресурсларининг барқарорлигини баҳолаш имкониятини оширишини таъкидлайди.




Ф.С. Мишкиннинг (2019) асарларида капитал банк фаолиятида йўқотишларни қоплашга хизмат қиладиган асосий буфер сифатида талқин қилинади. Claessens ва Laeven (2020) тадқиқотларида эса капитал етарлилиги юқори бўлган банклар молиявий инқироз пайтида ликвидлик танқислигини енгилроқ бошдан кечириши исботланган.

Ўзбекистонлик тадқиқотчи Б. Бердияров (2021) халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда ликвидлик ва капитал етарлилигини таъминлашнинг самарали йўллари асослаб берган. Шу билан бирга, А.А. Омонов (2023) тижорат банклари капитали ва ликвидлик яратиш кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни тадқиқот асосида кўрсатиб берди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Амалиёт таҳлиллари шуни кўрсатадики, 2018–2024 йиллар давомида Ўзбекистон тижорат банклари капитали ҳажми ва унинг ЯИМдаги улуши изчил ўсиб борди. 2020 йилда капитал етарлилиги 14,2%ни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 16,3%га етди. I даражали капитал улуши эса 65%дан 68,9%га ошди. Бу ҳолат банк тизимининг барқарорлиги ва хавфларга чидамлилигини кучайтирди.

Халқаро қиёсий таҳлил натижаларига кўра, Германияда 2024 йилда капитал етарлилиги 20,4%, Францияда 19,5%, Канадада 16,7%, Ўзбекистонда эса 16,3%ни ташкил этди. Бу рақамлар миллий банк тизимининг Basel III талабларига яқинлашиб бораётганидан далолат беради.



1-расм. Ўзбекистонда капитал кўрсаткичлари динамикаси (2018–2024)

Манба. Ўз. Рес. Марказий банкнинг молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонда тайёрланди.

2018–2024 йиллар давомида Ўзбекистон тижорат банклари капитал кўрсаткичлари изчил ўсиш йўналишида ривожлангани кузатилди. Бу

жараён миллий банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиётга инвестиция киритиш имкониятларини кенгайтириш ва хорижий сармоядорлар учун жозибадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Капиталнинг етарлилик даражаси 2018 йилда капиталнинг етарлилик даражаси 13,5 фоиз атрофида бўлган бўлса, 2024 йилга келиб 16,5 фоизга етди. Бу ўсиш банклар хавфларга нисбатан чидамлилик салоҳияти ошганини англатади. 2020 йилда кўрсаткич 14,2 фоизга кўтарилиб, пандемиядан кейинги даврда ҳам ўсиш сақланди ва 2023 йилда 16,3 фоизга етди. Демак, Ўзбекистонда амалга оширилган банк ислохотлари ўз самарасини бермоқда.

Асосий капитал улуши капитал таркибида асосий капиталнинг улуши ҳам барқарор ўсиш тенденциясини намоён қилди. 2018 йилда у 62 фоиз атрофида қайд этилган бўлса, 2024 йилда 69,2 фоизга етди. Бу эса банклар ўз фаолиятини мустаҳкам молиявий манбаларга таянаётганини кўрсатади. Асосий капиталнинг ортиши банк тизимининг барқарорлиги ва ишончлилигини кучайтирди.

Шу давр мобайнида банкларнинг ликвидлик имкониятлари ҳам сезиларли ошди. Агар 2018 йилда мажбуриятларни ўз вақтида бажариш имконияти 35 фоиз атрофида қайд этилган бўлса, 2024 йилга келиб 44,5 фоизга етди. Бу ҳолат банклар капитал ҳажмини ошириш билан бирга мижозлар олдидаги мажбуриятларни бажариш салоҳиятини ҳам мустаҳкамлаганини кўрсатади.

2018–2024 йиллар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон тижорат банклари капитал кўрсаткичлари изчил ўсиш йўналишида шаклланган. Етарлилик даражаси, асосий капитал улуши ва ликвидлик имкониятлари норматив талаблардан юқори даражада таъминланди. Бу эса банк тизимининг молиявий барқарорлиги, инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро молия бозоридаги ишончини мустаҳкамлади.

Бироқ, ҳисоботларда капитал таркибида захиралар ва тақсимланмаган фойдадан самарали фойдаланиш даражаси етарли эмаслиги қайд этилди. Шунингдек, миллий стандартлар ва МҲХС ўртасида тўлиқ уйғунлик таъминланмагани ҳам ҳисоботлардаги шаффофликни пасайтиради.

Хулоса. тадқиқотдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот банк молиявий барқарорлиги ва инвестициявий жозибадорлигини баҳолашда асосий манба ҳисобланади.

Миллий стандартлар ва МҲХС уйғунлигини таъминлаш ҳисоботларни сифат жиҳатдан такомиллаштириш имконини яратади.



Basel III талабларини тўлиқ жорий этиш капитал етарлилиги ва ликвидлик хавфини минималлаштиришга хизмат қилади.

Автоматлаштирилган ҳисобот тизимларини жорий қилиш банк ҳисоботларининг ишончилиги ва шаффофлигини оширади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Лаврушин О.И. Банковское дело: практический анализ. – Москва: КноРус, 2020.
2. Коробова Г.Г. Банковское дело. – Москва: Юрайт, 2019.
3. Mishkin F.S. The Economics of Money, Banking, and Financial Markets. – Pearson, 2019.
4. Claessens S., Laeven L. Financial Stability Studies. – IMF, 2020.
5. Бердияров Б. Uzbekistan in Banking Practice. – Tashkent, 2021.
6. Омонов А.А. Factors Influencing Liquidity Creation among Commercial Banks in Uzbekistan. – 2023.
7. Грязнова А.Г. Банковский капитал: анализ и управление. – Москва, 2019.
8. Ашуров Қ.А. Тижорат банклари хусусий капитали таҳлилида сифат мезонлари. – Тошкент, 2022.

